




Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Нафънинг агар халққа бешакдурур, билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур. Алишер НАВОИЙ.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

2021 йил 9 февраль, сешанба

№ 13 (24506)

НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Дилбар эрур тенгсиз жаҳонда,
Эрур анга ҳамма хуштору банда.
Тенгсиз хуштору шайдоси манам,
Жаҳонда банда манам анга.



Навоийнинг ҳақиқатда буюк шоир эканини на-да "Хамса", на-да жилд-жилд асарлар, балки юқоридаги тўрт мисра ҳам исбот этиши мумкин. Мазкур мисраларни чапдан ўнга ёки тегиздан пастрга қарата ўқиб кўринг-да, Навоий даҳосига ўзингиз баҳо беринг. Дунёда яна қайси шоир ижодида бундай бетакрорликни, сеҳрни кўргансиз?

Бугун шу беназир инсон, буюк мутафаккир Алишер Навоий – 580 ёшда. Ҳар йили бу сана ўзгача иштиёқ ва шукҳ билан қўтилиди, тантана қилинади. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган навоийхонлик кечалари, адабий тадбирлар фарғоналиклар томонидан ҳам катта завқ билан қарши олинмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали қошида ташкил этилган тадбир Навоий даҳосига ҳурмат ва эҳтиромнинг нишониси эди.

Тадбирни Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров очиб, умумбашарий гоғларни тарғиб этиш тобора долзарблик касб этаётган XXI асрда Алишер Навоий ижоди маънавият, дид ва эътиқод фалсафаси сифатида алоҳида кадр ва эъзозга муносиблигини, уни тадқиқ ва тарғиб этиш энг муҳим талаблардан бири эканини таъкидлади.

Анжуманда шахримиздаги олий таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, талабалар, миллий-маданий марказлар раҳбарлари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда ёш ижодкорлар ва Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг ўқувчилари томонидан Навоийга бағишланган шеърлар ўқилди. Мумтоз кўшиқлар янгради. Навоий шеърлари араб, форс, рус, инглиз, тожик, немис тилларида жаранг сочди.

Эслатиб ўтамай, Ҳазрат Навоийнинг таваллуд санаси муносабати билан бугун мамлакатимизнинг барча жоме масжидларида ул зот руҳларига хатми Қўрув ўқилди. *** Шу кун Фарғона вилоят Театр-концерт саройида ҳам Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган назм ва наво оид тадқиқотлар тахлили асносида мамлакатимиз дунё цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини, умумбашарий тасаввур ва тафаккур ривожига ўзбек халқининг салмоқли ҳиссаси борлигини яна бир бор намоиш этди.

Эслатиб ўтамай, Ҳазрат Навоийнинг таваллуд санаси муносабати билан бугун мамлакатимизнинг барча жоме масжидларида ул зот руҳларига хатми Қўрув ўқилди. *** Шу кун Фарғона вилоят Театр-концерт саройида ҳам Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган назм ва наво оид тадқиқотлар тахлили асносида мамлакатимиз дунё цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини, умумбашарий тасаввур ва тафаккур ривожига ўзбек халқининг салмоқли ҳиссаси борлигини яна бир бор намоиш этди.

Тайинловлар

Фарғона вилояти ҳокимининг Қува, Ёзёвон, Бағдод ва Ўзбекистон тумани ҳокимларини тайинлаш тўғрисидаги қарорлари мазкур ҳудудларда бўлиб ўтган маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида тасдиқланди.

ҲАЛИМЖОН КОМИЛОВИЧ УМАРОВ ҚУВА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

У шу пайтга қадар вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келган. Х.Умаров 1967 йилда туғилган. 2006-2018 йиллар Тошлоқ, 2018-2019 йиллар Қува тумани ҳокими бўлган.



ДИЛШОДЖОН ТУРСУНМУРОВОВИЧ ЖАЛИЛОВ ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

У 1980 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Фарғона политехника институти, Президент хузуридаги давлат ва жаҳият қурилиши академиясини тамомлаган.



ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ БЎЛИМИ БОШЛИГИ ВАЗИФАСИДА ИШЛАБ КЕЛАётган ШЕРЗОД АКРОМОВИЧ ЙЎЛДОШЕВ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

Шерзод Йўлдошев 1986 йил Тошлоқ туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Қувасой шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари, Тошлоқ туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасида ишлаган.



ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ЛАВОЗИМИДА ИШЛАБ КЕЛАётган ВОСИЛЖОН ШУХРАТОВИЧ НАЗАРОВ БАҒДОД ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

У 1984 йил Бувайда туманида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети тамомлаган. 2006 йилдан молия тизимида меҳнат қилиб келади.



Севара АЛИЖОНОВА. Сураатларни Шерзод ҚОРАБОВ ва Муқимжон ҚОДИРОВ олган.

Журналист СУРИШТИРУВИ ҚУВА ТУМАНИ СЕКТОР РАҲБАРЛАРИДАН ҚОЛГАН МУАММОЛАРНИ КИМ ҲАЛ ЭТАДИ?!

2021 йил январь ойининг биринчи душанбасида Қува туманидан бир гуруҳ боғдорчилик фермер хўжалиқлари раҳбарлари вилоят "Тадбиркорлар уйи"да Хайрулло Бозоровга жиддий бир муаммода ёрдам сураб мурожаат қилишди. Гап шундаки, уч-тўрт ойдан зиёдроқ вақт мобайнида қувалик ўнлаб боғдорчилик фермер хўжалиқлари раҳбарларининг тинчи бўзилган. Бонси 2019 йили Қува тумани ҳокими Равшан Қурбонов номидан келган масъул вакиллар (эндиликда собиқ ҳоким. Президентимизнинг 2021 йил 4-5 февраль кунлари вилоятимизга амалга оширган таширфи давомида фаолияти қониқарсизлиги туфайли Қува туманининг тўртта сектор раҳбари ишдан олинди) томонидан ушбу фермер хўжалиқларининг электрон рақамли имзо, муҳрлари ихтиёрий-мажбурий равишда олиниб, уларнинг номидан жуда катта миқдорда экспорт амалга оширилган.

Вилоят ҳокими фермерларнинг арзодини тинглаб, бу муаммони қонуний асосда ҳал этишга ваъда берди ва шу ернинг ўзида вилоят ҳокимлиги масъулларига ушбу ҳолат юзасидан аниқ вазифалар топширди. Бу мурожаатдан кейин орадан бир ой вақт ўтган бўлса-да, фермерлар муаммоси ижобий ҳал этилмади. Шу сабабли қувалик фермерлар туман ҳокимлиги ва вилоят идоралари ўртасида сарсон саргардон: ҳамон калаванинг учи топилгани йўқ!.. — Фермерларнинг талаби тўғри. Туман ҳокимлиги ҳам ушбу муаммодан кўз юмиб, қўтилиб кетиш ниятида эмас, — дейди Қува туман ҳокими ўринбосари Аҳрор Сиддиқов. — Бу фермерлар билан бевосита туман ҳокимлиги биносида Қува туман ҳокими, вилоят боғхона, солиқ бошқармалари масъул ходимлари, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакил — бизнес-омбудсман иштирокида бир неча мартаба суҳбатлашдик. 2021 йилнинг январь ойи якунигача муаммони бартараф этиш чоралари изланипти.

Қува тумани ҳокимлигида Аҳрор Сиддиқов билан уюштирган юзма-юз суҳбатимизга қарийб бир ой бўлди. Биз туман ҳокимлиги масъуллари лафзига ишониб, январь ойи охиригача фермерлар муаммоси ҳал бўлишини кутдик. Белгиланган муддат туганидан кейин маълум бўлдики, туман ҳокимлигининг бу ваъдалари шунчаки вақтинча жон сақлаш учун ўйлаб топилган навбатдаги ёлгон экан. Бу ваъдага ишонган қувалик фермерлар ҳам яна бир мартаба "чув" тушди. Шу боис аксариятнинг деҳқончиликдан ҳафсаласи пир бўлиб, мевазор боғларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб топшириш ниятида ҳаммасини олий ҳакам — вақтингиз измига ташлаб қўйишди. Бир гуруҳ

фермерларнинг эса ҳамон адолат қарор топишдан умиди узилгани йўқ: улар идорама-идора юриб асл ҳақиқатни аниқлаш мақсадида 2020 йилнинг сентябрь ойида гўёки 225 минг АКШ доллари миқдоридики экспортни амалга оширган сабабли солиқ ва жарима учун 330 млн. сўм тўлаб қўйиш бўйича оғохлантириш хатини ташлаб кетган. Шундан буён кекса онахон, олти нафар оила аъзоларининг еган-инганида ҳаловат йўқ.

Умрида бир сўмлик мева экспорт қилмаган "Фар Мухтасар дунё" фермер хўжалиги раҳбари номига расмий ҳужжатларда Қозғистонга интенсив кўчатлар сотгани, узум, ғайноли, шафтоли экспорт қилгани ёзилган. Ваҳоланки, унинг тасарруфидики боғнинг саксон физи анорзорларни ташкил этади. "Баҳор" МФЙдаги қир-адирда жойлашган "Олчин" фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Ҳошимуродов ҳам қилмаган экспорти учун солиқ ва жаримадан бўлган 330 млн. сўм қарзини тўлаш ҳақида оғохлантириш хати олган. — Мақбуллаштириш жараёнларидан сўнг 10,7 гектар ерда 12 та боғбон бирлаштирилган. Фермер хўжалигимиз аъзолари ичиде 30 сотих ерга эга боғбон ҳам бор, — дея суҳбатимизни давом эттиради Дилмурод ака. — 2020 йилнинг сентябрь ойида солиқ ва жаримадан бўлган сохта қарзимизни тўлашни талаб қилиб, суви учуриб қўйишгани сабабли анорлар ёрилиб кетди. 35 млн. сўмлик харажат қилиб, арзимас даромадга эга бўлдик. Боғдан кўнглим совиди, қон босимим ошадиган бўлиб қолди. Шу ҳудуддаги "Исфандиёр" фермер хўжалигига (раҳбари Илҳом Юнусов) 375 млн. сўм, "Воҳид Исмоил саховати" фермер хўжалигига (раҳбари Воҳиджон

Қурбонов) 330 млн. сўм, "Озодлик Озодбек саховати" фермер хўжалигига (раҳбари Алишер Эгамбердиев) 322 млн. сўм миқдоридики солиқ ва жарима учун қарздорлик белгиланган. — Бирортанимиз бир сўмлик экспорт қилмаганмиз, — дейди бу боғбонлар биз билан суҳбатда. — Аслида емаган сом-сасига пул тўлашга мажбур қилинаётган қувалик биз каби фермер хўжалиқлари кўпчиликини ташкил этади. Аммо аксарияти адолат қарор топишдан умидини узган, баъзилари вазиятни сирдан кузатиб турган бўлса, 18 нафар фермерлар идорама-идора ҳақиқатни юзага чиқариш учун ҳаракатдамиз. Қува тумани ҳокимлиги, боғхона, солиқ идоралари масъуллари эса қўйнимизни пуч ёнғоққа тўндришдан нарига ўтимаёпти.

Мақдони тайёрлаш жараёнида вазиятга аниқлик киритиш мақсадида вилоят боғхона, солиқ бошқармалари ҳамда ўсимликлар карантини инспекцияси масъулларига қайта-қайта мурожаат этилди. Масъуллар коррупциянинг олдини олиш мақсадида мурожаатлар электрон тарзда кўрилиши, шу сабабли жабрдийда фермерлар ва улар жўнатган махсулотлар ҳақида аниқ маълумотга эга эмасликларини таъкидлашди. Бу орқали масъуллар Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси бўйича белгиланган тартибни қўлловчида бузишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунининг 3-, 4-, 5-, 6-, 7-моддаларида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаяпти. Уларнинг фикрича, муаммонинг илдизи Қува тумани ҳокимлигида ва барча саволларга жавобни ҳокимлик масъулларидан сураш керак. Фермерлар бу орада уч мартаба туманлараро иқтисодий судига қақирлиди. Судда бор ҳақиқатни тақрор ва тақрор гапиришди, лекин масала ҳамон ҳал бўлгани йўқ. Сичқон-мушук ўйини давом этяпти: масъуллар кўр-кўрона сунъий равишда юзага келган қарздорликни ундириш пайида, жабр-

дайд фермерлар эса адолат излаб сарсон саргардон... — Биз тўлашмиз зарур бўлган сумма мақдори кичикроқ маблағ бўлса ҳам майли эди, — дейди фермерлар. — Шунча йил ердан бола-чақа боқаётганимиз ҳаққи тўлаб қўярдик. Аммо бундай катта пулни тўлаш учун ўй-жой, машинамизни сотасан ҳам етмайди-да!.. — Шу ўринда бир мулоҳаза. Утган йили Россияда вилоятдан экспорт қилинган помидорда касаллик аниқлангани учун бир муддат нафақат помидор, мамлакатимиздан жўнатиладиган қишлоқ хўжалиги махсулотларига тақиқ қўйилди. Махсулотлар сифати, боғхона назорати борасидаги ишлар худди қувалик фермерларга бўлган муносабатдагидек "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида бўлса, яна помидор воқеаси каби кўнглисизликлар келиб чиқмаслигига ким кафолат беради?!

Аслида белгиланган тартибга қўра, хорижа экспорт қилинаётган ҳар бир махсулот сифати назоратдан ўтказилиб, сертификат берилиши лозим. Вилоят боғхона бошқармасида махсулот экспорт қилаётган тадбиркорлик субъекти бўйича барча маълумотлар жамланган бўлиши зарур. Мевалар қайси автомашиналарда чегарадан чиқарилган, мувофиқлик карантини сертификати, боғхонадан қандай ва қанча юк қаерга, қачон чиқарилгани ҳақидаги ҳужжатлар қани? Нега қувалик фермерлар қайта-қайта мурожаат қилиб, вилоят боғхона бошқармасидан ўзларига тааллуқли маълумотларни ололмади сарсон бўлаётганми? Бу ишга нафақат ҳокимият, чегара, боғхона, карантин хизматлари қай даврада алоқадор? Аслида экспорт қилинганми ўзи? Бу саволларга қачон, ким жавоб беради? Президентимизнинг жорий йил 4-5 февраль кунлари вилоятимизга амалга оширган таширфи чоғида ўз вазифасига ҳолойиқлиги учун Қува туманининг тўртта сектор раҳбари — ҳоким, прокурор, ИИБ ва давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ишдан олинди. Хўш, мазкур фермер хўжалиқлари сингари муаммолари ойлор, йиллар давомида қўзилиб келаётган 261 минг нафар қувалиқларнинг бугунги ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ муҳим ҳаётий масалалар энди ечим топадими? Қува туманининг янги ҳокими ва секторлар раҳбарлари бу борада қатъият, шижоат кўрсата олармикан?

Ботир МАДИЁРОВ, "Фарғона ҳақиқати" махсус мухбири.

2020 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида вилоят боғхона бошқармаси, солиқ идоралари томонидан фермер хўжалиқларига экспорт фаолияти учун вақтида амалга оширилмаган тўловларга ўртача 300-450 миллион сўмдан солиқ ва жарима тўлаш бўйича оғохлантириш хатлари келганидан қарахт аҳволга тушиб қолишди...

